

U

“ТАСТИКЛАЙМАН”  
Навбахор туман ҳокими  
А.Рашидов  
2026 йил “\_” январь

Навбахор туман ҳокимининг Инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Абдуллаев  
Миролим Ғайратовичнинг 2026 йилга мўлжалланган  
**ИШ РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Ижро муддати	Тегишли масъуллар
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни 2026 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
2	Жорий йил учун 35,2 млн АҚШ долларлик саноат ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш, янги экспортёр корхоналарни экспортга жалб этиш, экспорт географиясини кенгайтириш ва уларга амалий ёрдам бериш. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.  Жумладан;  -Саноат маҳсулотлари экспорти 33,2 млн АҚШ долл;  -Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2,0 млн АҚШ долл.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Тегишли масъуллар
3	2026 йилда 150 млн АҚШ долл миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўриш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
4	Худудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 106 млн.АҚШ долларлик, 54 та лойиҳаларни ишга тушириш ва 932 та иш ўринларини яратиш чораларини кўриш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
5	2026 йилда аҳолини бандлиги таъминлаш соҳасида 932 та янги иш ўринларини яратиш ва электрон платформа дастурига киритиш ҳамда солиқ ҳисоботларида акс эттириш.	Март-июн	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
6	Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш ва сотилишини таъминлаш мақсадида электрон-онлайн аукцион савдоларида маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
7	Чет давлатлардан келаётган импорт маҳсулотларини таҳлил қилиш, импортни қисқартириш мақсадида 5 та маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишга тушириш 54,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
8	“Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси” ва “Кичик саноат зоналари”да амалга ошириладиган лойиҳаларни ишга тушириш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими
9	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш.	Йил давомида	Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими

Навбахор туман ҳокимининг ўринбосари



М.Абдуллаев



Навбахор тумани ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи томонидан агротехнология ва деҳқончилик йўналишида 2026 йил 1 ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар  
“ИШ РЕЖАСИ”

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
1.	<p><b>Пахтачилик:</b></p> <p>1. Навбахор туманида 2026 йил пахта ҳосили учун <b>5866</b> минг <b>гектар</b> майдонга юқори ҳосилдор хорижий навларни жойлаштириш ишларини ташкил этиш.</p> <p>- ўтган йилда эришилган натижалар асосида ижобий натижалар кўрсатган навлар майдонини кенгайтириш;</p> <p>- сўнгги <b>2</b> йилда экилган гўза навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган тезпишар, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли навларни танлаш.</p> <p>2. Соҳа олимлари ва мутахассислари билан биргаликда “Пахтачиликда куз-қиш ойларида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар бўйича” тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда пахта етиштирувчиларга етказиш.</p>	2026 йил январь	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
2	<p><b>Ғаллачилик:</b></p> <p>1. Ғўза қатор орасига ғалла экилган майдонларни <b>ғўзапоя ва бегона ўт</b> қолдиқларидан тозалаш. Бунда ер музлаган пайтларда <b>ғалла ниҳолларига зиён етказмасдан</b> ғўзапояни ўриб олишни ташкил этиш.</p> <p>2. Ғалла экилган ҳар бир контурнинг сув кирадиган қулоқлар бошида <b>1,5 x 2,0 ўлчамда</b> ҳосил хандақларини қазिश.</p> <p>3. Ғалла экилган майдонларнинг ҳар бир гектарига <b>3 тоннадан маҳаллий ўғит</b> чиқаришни ташкил этиш.</p> <p>4. 2026 йил ғалладан <b>90 центнер</b> дон ҳосили етиштириш бўйича ғалла етиштирувчи субъектларга <b>замонавий технологияларни жорий қилиш ва илғор агротехник тадбирларни қўллаш</b> афзалликлари бўйича тегишли олимлар билан биргаликда <b>туманлараро ўқув-семинарларини ўтказиш.</b></p>	2026 йил январь	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги худудий туман бўлим бошлиғи,</p>
3.	<p><b>Сувдан самарали фойдаланиш:</b></p> <p>1. 2026 йил ҳосили учун экилиши режалаштирилган пахта майдонларини сугориш тизимларини ўрганиш ҳамда томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. 2025-2026 йиллар кузги-қишки мавсуми учун белгиланган сув олиш лимитлари доирасида <b>4,3 минг гектар</b> қишлоқ хўжалиги экин майдонларида <b>шўр ювиш графикларини</b> ишлаб чиқиш.</p> <p>2026 йил январь ойида <b>1,875 минг гектар</b> шўр ювишга ер тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш ҳамда <b>сув ресурсларидан самарали фойдаланишни</b> ташкил қилиш.</p> <p>3. Худудларда <b>сув тежовчи технологияларни жорий қилиш</b> ва</p>	2026 йил январь	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>“Туман сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси</p>

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>лазерли текислаш тадбирларини амалга ошириш режа-прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш.</p> <p>4. Замонавий сўғориш агротехнологияларни жорий қилиш орқали январь ойи давомида сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига 0,15 млн. м<sup>3</sup> сувни иқтисод қилиш тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>5. Кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги жами 1148 км ички сўғориш тармоқларини тозалаш ҳамда бетонлаштириш тадбирларини амалга ошириш. Жумладан, 378 км ички ариқларни бетонлаштириш ва 770 км ички ариқларни қўл кучи ва механизм ёрдамида тозалаш ишларини ташкил қилиш.</p> <p>6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ҳисобидаги насослар агрегатларини модернизация қилиш орқали уларнинг энергия тежамкорлигини ошириш.</p> <p>7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томоржаларини сув ресурслари билан ишончли таъминлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш бўйича таклиф тайёрлаш.</p>		
4.	<p><b>Механизация:</b></p> <p>1. Баҳорги дала ишларида қатнашадиган қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларини мавсумга шай ҳолатга келтириш мақсадида барча қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини таъмирлаш масканларига йиғиш ва таъмирга тортиш ишларини ташкил этиш.</p> <p>2. Таъмирлаш ишларини ташкил этиш учун талаб этиладиган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш ва молиявий манбасини аниқлаш ҳамда техника таъмирига йўналтириш чораларини кўриш .</p>	2026 йил январь	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>3. Янги харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларини харид қилувчи талабгорлар рўйхатини шакллантириш, етказиб берувчи ва харидорлар ўртасида шартномалар тузилишини ҳамда шартномалар асосида етказиб берилишини ташкил қилиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Тумanning механизациялаш даражасини ошириб бориш.</p>		
5.	<p><b>Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрохимё:</b></p> <p>1. 2026 йил пахта ҳосили учун уруғлик чигитни гоммоз, илдиз чириш касалликларига ва шира-трипс ҳамда бошқа зараркундаларга қарши сифатли дорилаш тадбирларини ташкил этиш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтларнинг 2026 йилда тарқалиш ва ривожланиш башоратномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. 2026 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонлари учун талаб этиладиган азотли минерал ўғитлар захирасини яратиш.</p> <p>4. Худудлардаги биологаторияларда олтинқўз, трихограмма ва бракон кўпайтириш.</p>	2026 йил январь	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи</p> <p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳудудий туман бўлими бошлиғи</p>
	<p><b>Уруғчилик:</b></p> <p>Пахта-тўқимачилик кластерлари ва бошқа уруғлик чигит тайёрлаш корхоналарида уруғлик чигитни тозалаш ва саралаш, туксизлантириш ва дорилаш ишларини амалга ошириш, мониторингини юритиш.</p> <p>Кимёвий препаратлар захираси яратилганлиги ва тўғри шлатилишини назорат қилиш.</p>	2026 йил январь	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ</p>

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>Тайёрланган уруғликларнинг белгиланган стандарт талаблари асосида сақланишини таъминлаш.</p> <p>2025 йил пахта ҳосили учун "Оригинал, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта хомашёси етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда уруғлик етиштирувчи субъектлар ўртасида <b>тендер танловлари ўтказиш</b>;</p> <p>Тендер ўтказиш бўйича элонлар бериш, талабгорлар хужжатларини қабул қилиш</p>		
7.	<p><b>Пахтачилик:</b></p> <p>1. Худудларда 2026 йил ҳосили учун <b>5866 гектар</b> пахта етиштириладиган</p> <p>2. Пахта етиштириладиган майдонларнинг <b>4300 гектарида</b> шўр ювишга ер тайёрлаш ва шўр ювиш тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш.</p>	2026 йил февраль	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,
3.	<p><b>Ғаллачилик:</b></p> <p>1. Ғаллани чорва хайвонлари пайхонидан сақлаш учун дала атрофини четан тўсиқлар билан ўраб чиқиш.</p> <p>2. Ғалла майсаларининг ўсиши ва ривожланиш фазалари бўйича <b>мониторинг қилиш</b>, бунда:</p> <p>1-2 барг, 3-4 баргли ва туплаган майдонларни аниқлаш ва ҳар бирига <b>алоҳида табақалаштирган</b> агротехник тадбирларни белгилаш;</p>	2026 йил февраль	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,  Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳудудий туман бўлим бошлиғи

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>галланинг ҳолати, жумладан, 1-2 барг, 3-4 баргли майдонларда ернинг устки қатлами ёрилиб <b>совук урган</b> ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича <b>чора-тадбирларни белгилаш</b> ва амалга ошириш.</p> <p>3. Азотли <b>минерал ўғитлар</b> билан ҳаво ҳарорати +4-5 °С дан кўтарилгандан сўнг баҳорги биринчи озиклантиришни бошлаш ва галлани <b>пешма-пеш сугоришни</b> ташкил этиш.</p> <p>Бунда галлани ривожланиш фазаларига қараб, биринчи навбатда, кеч экилган, галла майдонларидан бошлаш ва гектарига <b>150-200 кг дан</b> азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш, <b>пешма-пеш шарбат</b> усулида сугориш ишларини ташкил этиш.</p>		
9	<p><b>Сувдан самарали фойдаланиш йўналишида:</b></p> <p>1. 2026 йил февраль ойида шўр ювишга ер тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.</p> <p>2. Худудларда <b>сув тежовчи</b> технологияларни жорий қилиш ва лазерли текислаш тадбирларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига “suvkredit.uz” электрон тизимига ариза топшириш ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>3. Замонавий сугориш агротехнологияларни жорий қилиш орқали 2026 йилнинг февраль ойи давомида <b>0,55 млн. м<sup>3</sup></b> сувни иқтисод қилиш тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>4. Худудларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш</p>	2026 йил февраль	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>“Туман сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси бошлиғи</p>

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириб бориш.</p> <p>5. Кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги жами 1148 км ички сугориш тармоқларини тозалаш ҳамда бетонлаштириш тадбирларини амалга ошириш. Жумладан 378 км ички ариқларни бетонлаштириш ва 770 км ички ариқларни қўл кучи ва механизм ёрдамида тозалаш ишларини ташкил қилиш.</p> <p>6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ҳисобидаги насослар агрегатларини модернизация қилиш орқали уларнинг энергия тежамкорлигини ошириш бўйича берилган топшириқ ижросини таъминлаш учун фермер хўжаликлари ва кластерларга тегишли насос агрегатларини хатловдан ўтказиш ишларини якунлаш.</p> <p>7. Туманда 2026 йилда жорий қилинган сув тежовчи технологиялар тўғрисидаги маълумотларни Геопорталга киритиш ишларини ташкил қилиш.</p>		
10.	<p><b>Механизация</b></p> <p>1. Чигит экишни мавсумини оптимал муддатларда сифатли ташкил этиш мақсадида, “Чигит экиш сеялаларидан самарали фойдаланиш афзалликлари” мавзусида кўргазмали дала семинарларини ташкил этиш.</p> <p>2. Чигит экишда қўшқатор, кўп функцияли (плёнка остига шланг билан) аниқ доналаб экиш сеялалари сонини кўпайтириш ва ушбу сеялаларда экиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Техника етказиб берувчилар билан хариддорлар ўртасида шартномалар тузилишини ташкил қилиш.</p>	2026 йил февраль	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

№	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	4. Тузилган шартномалар асосида бўнак маблагларини йўналтириш ишларини ташкил этиш ҳамда техникалар етказиб берилишини.		
11.	<p><b>Ўсимликларни химоя қилиш ва агрохимё:</b></p> <p>1. 2026 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларида зарарқуванда, касаллик ва бегона ўтларни тарқалишини олдини олиш ва қарши курашиш учун талаб этиладиган кимёвий воситалар захирасини яратиш.</p> <p>2. 2026 йил пахта ҳосили учун экиш билан бирга бериладиган фосфорли ва калийли ўғитлар захирасини яратиш.</p>	2026 йил февраль	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳудудий туман бўлимлари бошлиғи</p>
12.	<p><b>Уруғчилик:</b></p> <p>Пахта-тўқимачилик кластерлари ва хусусий уруғчилик корхоналари омборларида сақланаётган <b>“тиндирилган уруғлик”</b> чигитларнинг сақланиш ҳолатини ўрганиш, мониторингини юритиш ва ахборот киритиш.</p> <p>Узоқ йиллар давомида бир хил навлар экиб келинган ва ҳосилдорлиги паст майдонларни аниқлаш ва ушбу майдонларга <b>“тиндирилган уруғлик”</b> чигит экиш режаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Уруғлик чигит тарқатиш шаҳобчаларини чигит экиш мавсумига тайёрлаш, амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни киритиш.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-106-сон қарорига асосан уруғчиликка ихтисослаштирилган ҳудудларда 2025 йил ҳосили учун бошқа экинлар уруғларини (<i>сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, озуқа ва бошқалар</i>) етиштириш учун</p>	2026 йил февраль	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари,</p> <p>Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ</p>

	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>танловлар ўтказиш, эълонлар бериш, ҳужжатларни қабул қилиш ва тендер комиссияси фаолиятини сифатли амалга ошириш.</p> <p>Туманда 2026 йил ҳосили учун парвариш қилинаётган уруғлик ғалла майдонларида белгиланган уруғчилик агротехник талабларига риоя этган ҳолда минерал ўғитлар билан қўшимча <b>10 фоиз</b> миқдорда озиклантириш ҳамда <b>2-мониторинг</b> кузатувлари ўтказиш.</p> <p>Уруғлик ғалла майдонларини туман ишчи гуруҳи билан биргаликда ўрганиб чиқиш, бажарилган ишлар ва аниқланган камчиликлар бўйича ахборот киритиш.</p>		
13.	<p><b>Пахтачилик:</b></p> <p>1. Туманда чигит экиш олдида лазерли усқуналар ёрдамида <b>текислаш</b>.</p> <p>2. 2026 йил ҳосили учун чигит экиш отрядларини шакллантириш, ҳудудлардан чигит экиш мавсумида масъул мутахассислар, техника ва агрегатларни отрядларга бириктириш бўйича таклифлар олиш ҳамда мувофиқлаштириш ишларини ташкил этиш.</p> <p>3. Ҳудудларда чигит экиш ишларини илмий асосланган тавсиялар бўйича амалга ошириш мақсадида соҳа олимлари ва мутахассислари билан биргаликда <b>“Чигит экиш ва тўлиқ кўчат ундириб олиш”</b> бўйича тавсияномалар тайёрлаш, жойларга етказиш.</p> <p>4. Ҳар бир ҳудудда чигит экишга ер тайёрлаш ҳамда чигит экиш тадбирларини илмий асосда ташкил этиш бўйича жойларда дала ўқув семинарларини ўтказиш.</p>	2026 йил март	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
14.	<p><b>Ғаллачилик:</b></p> <p>1. Ғалланинг ўсиши, ривожланишини инобатга олиб, найчалаш даврида гектарига 300-350 кг.дан азотли минерал ўғитлар билан <b>иккинчи озиклантиришни</b> ва шарбат усулида сугоришни ташкил қилиш. Бунда йиллик азотли минерал ўғитларнинг <b>50 фоиз</b> миқдорда бериш.</p> <p>2. Бошоқли дон экинларини <b>бардан озиклантиришни</b> ташкил этиш;</p> <p>туплаш ва найчалаш даврида ғалла майдонларида бегона ўтлар, касаллик ва зараркундаларга қарши <b>гербицид, фунгицид</b> ва <b>акарицидлар</b> билан ишлов бериш.</p> <p>Ишлов беришда ўсимлик ўстирувчи моддалар меъърини белгилаб, <b>барг орқали озиклантиришни</b> ташкил этиш.</p> <p>3. Ғаллани <b>шарбат усулида</b> сугориш мақсадида ҳосил хандакларини маҳаллий ўғитлар билан тўлдириш;</p> <p>минерал ўғитлар билан озиклантирилган майдонларни <b>пешма-пеш шарбат усулида</b> сугоришни ташкил қилиш.</p> <p>4. Худудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, март ойида шарбат усулида сугоришни ташкил этиш, бунинг учун ҳар 8 гектар майдонга 3 тагача сувчи тайинлаш ва ғаллани қондириб сугоришни (тунги сугориш) ташкил этиш.</p>	2026 йил март	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Ўсимликлар карантини ва химюси агентлиги худудий туман бўлим бошлиғи</p>
15.	<p><b>Доривор ўсимликлар:</b></p> <p>1. Туманда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш билан шугулланадиган тадбиркорлар орасида кенг қамровли</p>	2026 йил март	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими</p>

	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	кооперацияни йўлга қўйиш мақсадида ихтисослашган савдо ярмаркаларини ўтказиш.		бошлиги, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳудудий туман бўлим бошлиги,
16	<p><b>Сувдан самарали фойдаланиш:</b></p> <p>1. 2026 йил март ойида шўр ювишга ер тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.</p> <p>2. 2026 йил сўғориш мавсуми учун қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини ишлаб чиқиш ҳамда Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>Манбаларнинг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, республика бўйича ҳудудлар кесимида сув олиш лимитлари бўйича тақлиф ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Замонавий сўғориш агротехнологияларни жорий қилиш орқали 2026 йилнинг март ойи давомида 547200 м<sup>3</sup> сувни ихтисод қилиш тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>4. 2026 йилда жорий қилинган сув тежовчи технологиялар тўғрисидаги маълумотларни Геопорталга киритиш ишларини ташкил қилиш.</p>	2026 йил март	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиги, “Туман сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси
17.	<p><b>Механизация:</b></p> <p>1. Баҳорги дала ишларини амалга оширишда талаб этиладиган ёқилги-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб бериш ишларини ташкиллаштириш.</p>	2026 йил март	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиги

	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	<p>2. Чигит экишда аниқ доналаб экиш сеялкаларидан фойдаланиш чораларини кўриш.</p> <p>3. 2025 йил ҳосили учун 76 см кенликда қўшқатор, кўп функцияли (плёнка остига шланг билан) аниқ доналаб экиш сеялкалари орқали экиладиган майдонларни аниқлаш ҳамда мазкур хўжаликларга мавжуд сеялкаларни бириктириш.</p>		
18.	<p><b>Ўсимликларни химоя қилиш ва агрохимё:</b></p> <p>1. 2026 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларини гектарига 200 кг дан азотли минерал ўғитлар билан баҳорги 1-озиклантириш тадбирларини сифатли ўтказилишини назорат қилиш.</p> <p>2. 2026 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида занг ва бошқа касалликларга қарши фунгицидлар билан; бегона ўтларга қарши гербицидлар; зарарли хасва ва бошқа зараркундаларига қарши инсектицидлар билан <b>кимёвий ишлов бериш</b>, шира-трипсга қарши <b>биологик</b> (олтинкўз билан) ишловлар ўтказиш.</p> <p>3. 2026 йил ҳосили учун экиладиган пахта майдонларини вегетация даврида озиклантириш учун талаб этиладиган азотли ўғитлар захирасини яратиш.</p>	2026 йил март	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича Ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳудудий туман бўлими бошлиғи</p>
19.	<p><b>Уруғчилик:</b></p> <p>Пахта-тўқимачилик кластерлари ва бошқа уруғлик чигит тайёрлаш корхоналарида <b>туксизлантириш</b> ва уруғлик чигитни <b>дорилаш</b> ишларини яқунлаш.</p> <p>Чигит экиш мавсуми учун сифати кафолатланган уруғлик чигит захираси яратиш.</p> <p>Уруғликларни чигит тарқатиш шаҳобчаларига етказиб бериш</p>	2026 йил март	<p>Туман ҳокимининг Ўринбосари-қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари,</p> <p>Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ</p>

Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
<p>ишларини ташкил этиш устидан мониторинг юритиш.</p> <p>2026 йилда уруғлик пахта етиштирувчи субъектлар томонидан <b>юқори авлодли сифатли уруғлик чигитлар</b> экилишини таъминлаш.</p> <p>Давлат реестрига киритилган, истиқболли ва янги ғўза навларининг <b>уруғ кўпайтириш ва элита авлодли уруғларини етиштириш</b> чораларини кўриш, агротехник тадбирларни сифатли амалга оширилишини назорат қилиш. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш.</p> <p>2026 йил ҳосили учун парвариш қилинаётган уруғлик ғалла майдонларида <b>3-мониторинг кузатувлари ўтказиш, ишчи гуруҳ</b> томонидан аниқланган камчиликлар юзасидан далолатномалар расмийлаштириш. Мониторинг кузатуви якуни бўйича ахборот киритиш.</p>		
<p>20. <b>Пахтачилик:</b></p> <p>1. Худудларда 2026 йил ҳосили учун чигит экиш ишларини тизимли ташкил этиш.</p> <p>2. “Тиндирилган уруғ” экиш ва нав уруғларини алмаштиришни кенгайтириш алмашлаб экиш амалиётини амалга ошириш.</p> <p>3. 2026 йил ҳосили учун худудларда жами <b>5866 гектар</b> майдонга 76x10 см кўшқатор схемаси плёнка остига томчилатиб сугориш технологияси асосида хорижий илғор агротехнологияларни жорий этиш.</p>	2026 йил апрель	<p>Қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази туман бўлими бошлиғи</p>

	Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
	4. Худудларда “Пахтачиликда янги технологияларни жорий этиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлигини ошириш” мавзусида илмий-амалий семинарлар ўтказиш.		
21.	<p><b>Ғаллачилик:</b></p> <p>1. Ғалланинг ўсиши, ривожланишини инобатга олиб, бошоқлаш ўсув даврида гектарига 200-250 кг.дан азотли минерал ўғитлар билан учинчи озиклантириш ва шарбат усулида сугоришни ташкил қилиш.</p> <p>2. Кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонларда найчалош, бошоқлаш-гуллаш, сут пишиш фазасида карбамид ўғитини паст концентрацияли сувдаги эритмасини суспензия қилиб сепишни ташкил этиш.</p> <p>3. Ғаллани касаллик ва зарарқундалардан химоя қилиш, дон ҳосили ҳамда сифатини ошириш мақсадида сариқ занг касаллиги ва зарарли хасва зарарқундаси тушишининг олдини олиш мақсадида тавсия этилган кимёвий препаратлар билан ишлов бериш.</p> <p>4. Асосий майдонларда 1529 гектар мойли ва 350 минг гектар дуккакли дон экинлари майдонларини мақбул муддатларда экиш ишларини ташкил этиш.</p>	2026 йил апрель	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги худудий туман бўлим бошлиғи</p>
22.	<p><b>Сувдан самарали фойдаланиш:</b></p> <p>1. Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда сув манбаларининг сувлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинларига сув олиш лимитларини тасдиқлаш.</p> <p>Тасдиқланган сув олиш лимитларига асосан қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.</p>	2026 йил апрель	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,</p> <p>“Туман сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси</p>

Устувор вазифалар	Муддати	Масъуллар
Уруғликларни чигит тарқатиш шаҳобчаларига етказиб бериш ишларини ташкил этиш устидан мониторинг юритиш. 2026 йилда уруғлик пахта етиштирувчи субъектлар томонидан юқори авлодли сифатли уруғлик чигитлар экилишини таъминлаш.	2026 йил март	Туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ худудий бошқармаси масъул ходими

Туман ҳокими ўринбосари



З.Гуломов